OOO BOBUR-BUNYOD-TRANS	351 499 000.00 UZS	351 499 000.00	00.00	00.00	351 499 000.00	12.12.2022 15:09:18	18.90701
OOO NOZILA QURILISH SIFAT	349 921 190.00 UZS	349 921 190.00	00.00	00.00	349 921 190.00	12.12.2022 16:19:05	18.99226
CHIRCHIQ BUNYOD QURILISH MCHJ	335 000 000.00 UZS	335 000 000.00	00.00	00.00	335 000 000.00	12.12.2022 15:29:07	19.83819
QURILISH - SIFAT MCHJ	332 289 709.00 UZS	332 289 709.00	00.00	00.00	332 289 709.00	12.12.2022 17:07:24	20

Итоговая оценка участников включая финансовый части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО BOBUR-BUNYOD-TRANS	64	18.90701	82.90701
ООО NOZILA QURILISH SIFAT	72	18.99226	90.99226
CHIRCHIQ BUNYOD QURILISH MCHJ	80	19.83819	99.83819
RAVON-YO'LLAR QURISH MCHJ	Не прошел	Не прошел	Не прошел
QURILISH - SIFAT MCHJ	64	20	84
MY HORN INVEST	Не прошел	Не прошел	Не прошел

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 206357 от 13.12.2022 года на приобретение Бўстонлик тумани Ободонлаштириш бошкармаси Бўстонлик тумани Кичиксой МФЙ Жийда боги ички кучасини асфалтбетон билан жорий таъмирлаш определила победителем:

CHIRCHIQ BUNYOD QURILISH MCHJ
306194514

и резервный исполнитель: ООО NOZILA QURILISH SIFAT (302906848)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	Эргашов Жaxonгир	Согласен	
Член комиссии	AXINOV DILMURAD KALDARBЕКOVICH	Согласен	
Член комиссии	MAXAMEDOV ALISHER ALIMOVICH	Согласен	
Член комиссии	ТАЛБА YEV DILSHOD SURABOVICH	Согласен	
Член комиссии	BOYZOKOV BAXTIYOR JONAZAKOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Tashkili bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"CHIRCHIQ BUNYOD QURILISH"

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"CHIRCHIQ BUNYOD QURILISH"

MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

01.03.2019

693903

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR):

306194514

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Toshkent viloyati, Chirchiq shahri, Madaniyat, 11, 2 G,

Guvohnoma:

Toshkent viloyati, Chirchiq shahri, DAVLAT
XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



Davlat xizmatlari markazi



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
DAVLAT SOLIQ QO'MITASI**

**ГОСУДАРСТВЕННЫЙ НАЛОГОВЫЙ КОМИТЕТ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**QO'SHILGAN QIYMAT SOLIG'I SOLIQ TO'LOVCHISI SIFATIDA RO'YXATDAN
O'TGANLIGI TO'G'RISIDA
GUVOHNOMA**

**СВИДЕТЕЛЬСТВО
О РЕГИСТРАЦИИ В КАЧЕСТВЕ НАЛОГОПЛАТЕЛЬЩИКА НАЛОГА НА
ДОБАВЛЕННУЮ СТОИМОСТЬ**

**QQS RO'YXAT RAQAMI
РЕГИСТРАЦИОННЫЙ НОМЕР НДС 327200106433**

Mazkur guvohnoma QQS soliq to'lovchisi sifatida hisobga qo'yilganligi va QQS shaxsiy ro'yxatga olish raqami berilganligini tasdiqlaydi

Настоящее Свидетельство подтверждает постановку на регистрационный учет в качестве налогоплательщика НДС и присвоения индивидуального регистрационного номера НДС

Soliq to'lovchining nomi Наименование налогоплательщика	ООО "CHIRCHIQ BUNYOD QURLISH"
Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami Идентификационный номер налогоплательщика	306194514
Shaxs QQS soliq to'lovchisi bo'lgan sana Дата с которой лицо становится плательщиком НДС	01.05.2019
Ro'yxatdan o'tish sanasi Дата регистрации	19.06.2020



Ma'lumotnomada ko'rsatilgan ma'lumotlar to'g'riligini tekshirish uchun mobil telefon yordamida QR-kodni skaner qiling.
Отсканируйте QR-код при помощи мобильного устройства для проверки подлинности информации.



Toshkent viloyati Bo`stonliq tumani hokimiyati
Bo`stonliq tumani Obodonlashtirish boshqarmasi

ПУДРАТ ШАРТНОМА

17«12»2022 yil.

236-10-136-OB/2022-son

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган **Бўстонлик тумани Ободонлаштириш бошқармаси** номидан Низом асосида иш юритувчи раҳбар Эргашев Ж.Х. бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «**СНІҚСНІҚ BUNYOD QURILISH**» МЧЖ номидан иш юритувчи **Шодмонов З.** иккинчи томондан **Тошкент вилояти Бўстонлик тумани Кичиксой МФЙ Жийда боғ кўчасини жорий таъмирлашга** доир мазкур пудрат шартномани туздилар.

I. Таърифлар

1. Мазкур шартномада куйидаги тарифлар кўлланилади:

ижро хужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгартишларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

қурилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб кўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб кўйилади;

кўпол бузиш ҳолати – ўз вақтида молиялаштирилган ва қурилиш жараёнини давом эттиришга тўсқинлик қиладиган омиллар бўлмасдан туриб объектнинг қурилиш ишларини юритмаслик.

беркитиладиган ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

II. Шартнома мавзуси.

2.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига **Тошкент вилояти Бўстонлик тумани Кичиксой МФЙ Жийда боғ кўчасини жорий таъмирлаш** объектини фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш бўйича 100% қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

Қдим этилган **оферта-сметанинг 100% қиймати бўйича Қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС)** билан биргаликда **335 000 000,00 (Уч юз ўттиз беш миллион) сўми** ташкил этади.

3.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзайтирилганда.

3.3. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим орқали расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

4.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга тақдим қилинган оферта-сметада ва лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган ҳажмларда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

4.2. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкӣ жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда бош буюртмачининг мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун ЁЗМА МУНОСАБАТИНИ ҲАМДА яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни Форма3 ва Форма2 орқали қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кундан ошмаган муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига ва Бош буюртмачи (кейинги ўринларда Тошкент вилояти ҳокимлиги қошидаги “Ягона буюртмачи” Инжиниринг компанияси) билан тузилган график ва келишувларга биноан Пудратчига аванс бериш ва келгусидаги Ҳар ойнинг охирида қабул қилинган ҳисоботлар асосида Бош буюртмачи томонидан Бош пудратчига пул маблағи молиялашгач 3 кундан кечиктирмай молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхат орқали тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш, пудратчининг мазкур шартнома шартлари ижроси бўйича кўпол бузиш ҳолатлари юзага келмаган тақдирда бошқа субпудратчилар билан мазкур объект юзасидан шартномавий муносабатга киришмаслик мажбуриятини олади;

VI. Ишларни бажариш муддатлари

- 6.1. Шартнома миллий валюта «сўм»да ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради.
- 6.2. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ шартнома имзоланган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.
- 6.3. Мазкур шартнома бўйича ишларни бажариш муддати **31.12.2022** йилгача қилиб белгиланди.

VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

- 7.1. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг жами 30 фоизи миқдорида бўнак суммасини 10 кун муддатида ўтказди.
- 7.2. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади.
- 7.3. Пудратчи томонидан иншоотда ойма-ой бажарилган КМИларни жорий молиялаштиришга буюртмачи томонидан тасдиқланган ҳисоб-китоб маълумотномаси (справка счет-фактура о понесенных затрат) асос бўлади.
- 7.4. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқотилиши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.
- 7.5. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди ва бажарилган иш ҳажми молиялашган маблағдан фарқ қилган ҳолда, Пудратчи ортиқча олинган маблағни Буюртмачига 3 кун ичида қайтариб тўлаб беради. Агарда Пудратчининг Буюртмачида ҳақдорлиги аниқланса, буюртмачи барча ишларни 15 кун ичида қайта текшириб чиқиб, текшириш тугаллангач текшириш ҳулосасига 15 кун ичида ҳисоб китоб килади. Ва бу ҳолда ушбу қилинган ишлар сифати учун ҳам Пудратчи 12 ой давомида жавобгарликни ўз зиммасига олади.

VIII. Ишларни бажариш

- 8.1. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – техник назоратчи вакилини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.
- 8.2. Техник назоратчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.
- 8.3. Пудратчи техник назоратчини ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник назоратчи Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни объектнинг қурилиш ишларига ҳалақит қилмаган ҳолда ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.
- 8.4. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.5. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда буюртмачи билан бир хил жавоб беради.

8.6. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

8.7. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

IX. Ишларни қўриқлаш

9.1. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

9.2. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида (жумладан пандемия карантин чоралари юзасидан) келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

10.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

11.1. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

11.2. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 15 кун мобайнида қабул қилиб олинади. Ушбу муддатда объектнинг қабул қилмаслик юзасидан асосланган қилинган ёзма мурожаат жўнатади.

11.3. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар

12.1. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади.

12.2. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади.

XIII. Шартномани бекор қилиш

13.1. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан 10 кундан кўп вақтга кечиктирилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.2. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан 1 ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.3. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

13.4. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.5. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. Низоларни ҳал этиш тартиби

14.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Тошкент туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

XV. Алоҳида шартлар

15.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

15.2. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

15.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

15.4. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

15.5. Мазкур шартнома томонлар имзолагандан қонуний ҳисобланади.

15.6. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

15.7. Мазкур шартнома мажбуриятлар тўлиқ бажарилгунга қадар амалда булади.

XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

«Буюртмачи»

Бўстонлик тумани Ободонлаштириш
бошқармаси
Газалкент шаҳри Чирчиқ кўчаси
Х/р: 401722860272247065200110010
Халқ банки Газалкент филиали
МФО: 00770, ИНН: 205210663
Тел: 70-7000-653

Эргашев Ж.Х.

«Пудратчи»

«СНІҚСНІҚ ВУНУОД ҚУРІЛІШ»
МЧЖ
Тошкент вил. Чирчиқ ш.
Х/р: 2020 8000 0010 4310 5001
Ўз Миллий банк Газалкент фил.
МФО: 00931
ИНН: 306 194 514

Шодмонов З.


Korrupsiyaga qarshi qoidalarining ASOSIY SHARTLARI

1. Tomonlar shartnoma bo'yicha o'z majburiyatlarini bajarayotganda O'zbekiston Respublikasining korrupsiyaga qarshi kurashish to'g'risidagi qonun hujjatlarining talablariga zid keladigan har qanday harakatlarni amalga oshirmaydilar, shu jumladan pora, ya'ni Bo'stonliq tumani Obodonlashtirish boshqarmasi xodimi o'z xizmat majburiyatlaridan foydalangan holda pora bergan shaxsning manfaatlarini ko'zlab muayyan harakatlarni sodir etishi yoki sodir etmasligi shartligi yohud mumkinligi uchun moddiy qimmatliklarni yoki mulkiy naf olish uchun quyidagi harakatlarni qilmaydi:
pora berishni taklif qilish yoki va'da berish;
tovlamachilik qilish; pora sifatida pul to'lash;
bevosita yoki bilvosita pora olishga rozilik berish.
Tomonlar ushbu harakatlarga yo'l qo'ymaslik bo'yicha choralar ko'rilishiga kafolat beradi.

2. Agar shartnoma bo'yicha bir Tomon Bo'stonliq tumani Obodonlashtirish boshqarmasi xodimining axloqqa to'g'ri kelmaydigan va ushbu shartnoma yoki O'zbekiston Respublikasi qonunchilik hujjatlariga zid keladigan xatti-harakatlariga, shu jumladan, korrupsiyaga oid huquqbuzarlik sodir etishga majburlashdan iborat bo'lgan faktlarga duch kelsa, bu haqda quyidagi aloqa kanallaridan biri orqali xabardor qilishi kerak:
korrupsiya haqida xabar berishga mo'ljallangan ishonch telefoni;
Bo'stonliq tumani Obodonlashtirish boshqarmasi E-mail: bustobodon@umail.uz

TOMONLAR:

Bajaruvchi: «CHIQCHIQ BUNYOD QURILISH» MCHJ Director SHodmonov Z. (F.I.O.) (imzo)	Bo'stonliq tumani Obodonlashtirish boshqarmasi Boshliq J.X.Ergashev (F.I.O.) (imzo)
---	--

	Hujjat <u>elektron raqamli imzo</u> orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiylikini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	JAXONGIR ERGASHEV XIROJIDDINOVICH
	Imzolangan sana	17.12.2022 09:59
	Hujjat kodi	EJ0377552680
	Hulosa kodi	EF3741105350

EF3741105350

Юрист хулосаси
16 дек 2022

☒ Бўстонлиқ туман юридик маркази

Ким томонидан имзоланган

☉ TURMATOV MUZAFFAR NISHANBAYEVICH

Хужжат ижросиси

☉ MUZAFFAR TURMATOV NISHANBAYEVICH

Эри берган ташкилот

☑ UNICON.UZ DUK fan-texnika va marketing
tadqiqotlari markazi

Эри амал қилиш муддати

📅 29 окт 2021 - 29 окт 2022

Имзоланган хужжат

📄 EF3741105350.pdf

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QO'LG'U HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQ

XULOSA

EF3741105350

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi: **Bo'stonliq tumani Kichiksoy MFY Jiyda bog' ko'cha ta'mirlash to'g'risida.**

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: **BO'STONLIQ TUMANI OBODONLASHTIRISH BOSHQARMASI** tomonidan 16.12.2022 yil 16.12.2022 yil kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlari muvofiq ishlab chiqilgan va uni qonun maqsadga muvofiq. **EJ0377552680**



Bo'stonliq tumani
juridik markazi
bosh yuristkonsulti:

M.N.TURMATI

16.12.2022



МАЖЛИС БАЁНИ № 16

“13” декабрь 2022 йил.

Газалкент шахри.

Бўстонлик тумани Ободонлаштириш бошқармаси тасарруфидаги Кичиксой МФЙ, Жийда боғ кўчасини жорий таъмирлаш, объектни фойдаланиш учун таъмирлаш ишлари тайёр холда сифатли ва арзон хизмат кўрсатувчи ташкилотни аниқлаш мақсадида мажлис ўтказилди.

Қатнашдилар: Бўстонлик тумани Ободонлаштириш бошқармаси маъсул ходимлари

Комиссия раиси:

1. Бўстонлик тумани Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи: Ж.Х.Эргашев

Комиссия аъзолари:

2. Инфратузилма объектлари фойдаланиш бўлими бошлиғи: А.А.Махамедов

3. Объектларни сақлаш бўлими бошлиғи: Д.С.Тажибаев

4. Объектларни сақлаш бўлими муҳандиси: С.Д.Дарханов

5. Участка бригадири: Д.К.Ахинов

6. Участка бригадири: Б.Ж.Бойзоқов

КУН ТАРТИБИ:

1. Кичиксой МФЙ, Жийда боғ кўчасини жорий таъмирлаш, объектни фойдаланишга тайёр холда таъмирлашда сифатли ва арзон хизмат кўрсатувчи ташкилотни аниқлаш.

Йиғилишни комиссия аъзоси С.Дарханов очиб, йиғилиш катнашчиларига Кичиксой МФЙ, Жийда боғ кўчасини жорий таъмирлаш, объектни фойдаланишга тайёр холда топшириш, таъмирлашда сифатли ва арзон хизмат кўрсатувчи ташкилотни аниқлаб бериш бўйича ўтказилаётган тендер танловида қуйидаги ташкилотлар катнашганлар:

№	Товар номи	Ўлчов бирлиги	ООО «QURILISH SIFAT»	“XUMOYUN SHOX INVEST” MCHJ	“NOZIMA QURILISH SIFAT” MCHJ	“RAVON YOLLAR” MCHJ	«CHIRCHI Q BUNYOD QURILISH» MCHJ	«BOBUR BUNYOD TRANS» MCHJ
			Нархи	Нархи	Нархи	Нархи		
1	Кичиксой МФЙ, Жийда боғ кўчасини жорий таъмирлаш	Объект	332289709	----	349921190	349251822	335000000	-----

Тендер танлов конкурсида Кичиксой МФЙ, Жийда боғ кўчасини жорий таъмирлаш ҳамда объектни фойдаланишга тайёр холда топшириш, таъмирлашда сифатли ва арзон хизмат кўрсатувчи ташкилотни аниқлаш учун комиссия аъзолари тижорат таклифлари бўйича нархларни кўриб чиқиб, “СНІҚСНІҚ BUNYOD QURILISH” MCHJ корхонаси томонидан кўрсатган нархини арзонлигини аниқлади, шунингдек юқоридагиларни кўриб чиқиб комиссия аъзолари

Қарор қилади:

1. Кичиксой МФЙ, Жийда боғ кўчасини жорий таъмирлаш, объектни фойдаланишга тайёр холда топширишда ҳамда сифатли ва арзон хизмат кўрсатувчи тижорат таклифлари бўйича нархи кўриб чиқилиб, “СНІҚСНІҚ BUNYOD QURILISH” MCHJ бошқа катнашчиларга нисбатан бажариладиган ишлар арзон нархда бўлганлиги сабабли ғолиб деб топилди. Кичиксой МФЙ, Жийда боғ кўчасини жорий таъмирлаб, объектни фойдаланишга тайёр холда топшириш учун шартнома тузилсин.

Комиссия аъзолари:

- Инфратузилма бўлими бошлиғи:
- Объектларни сақлаш бўлими бошлиғи:
- Бўлим муҳандиси:
- Участка бригадири :
- Участка бригадири:

А.А.Махамедов
 Д.С.Тажибаев
 С.Д.Дарханов
 Д.К.Ахинов
 Б.Ж.Бойзоқов



Бўстонлик тумани Ободонлаштириш
бошқармаси бошлиғи
Ж.Эргашев

МАЖЛИС БАЁНИ № 17

“16” декабрь 2022 йил.

Ғазалкент шаҳри.

Бўстонлик тумани Ободонлаштириш бошқармаси тасарруфидаги Кичиксой МФЙ, Жийда боғ кўчасини жорий таъмирлаш, объектни фойдаланиш учун таъмирлаш ишлари тайёр холда сифатли ва арзон хизмат кўрсатувчи ташкилотни аниқлаш мақсадида мажлис ўтказилди.

Қатнашдилар: Бўстонлик тумани Ободонлаштириш бошқармаси маъсул ходимлари

Комиссия раиси:

1. Бўстонлик тумани Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи: Ж.Х.Эргашев

Комиссия аъзолари:

- Инфратузилма объектлари фойдаланиш бўлими бошлиғи: А.А.Махамедов
- Объектларни сақлаш бўлими бошлиғи: Д.С.Тажибаев
- Объектларни сақлаш бўлими муҳандиси: С.Д.Дарханов
- Участка бригадири: Д.К.Ахинов
- Участка бригадири: Б.Ж.Бойзоков

КУН ТАРТИБИ:

1. Кичиксой МФЙ, Жийда боғ кўчасини жорий таъмирлаш, объектни фойдаланишга тайёр холда таъмирлашда сифатли ва арзон хизмат кўрсатувчи ташкилотни аниқлаш.

Йиғилишни комиссия аъзоси С.Дарханов очиб, йиғилиш қатнашчиларига Кичиксой МФЙ, Жийда боғ кўчасини жорий таъмирлаш, объектни фойдаланишга тайёр холда топшириш, таъмирлашда сифатли ва арзон хизмат кўрсатувчи ташкилотни аниқлаб бериш бўйича ўтказилаётган тендер танловида қуйидаги ташкилотлар қатнашганлар:

№	Товар номи	Ўлчов бирлиги	ООО «QURILISH SIFAT»	“XUMOYUN SHOX INVEST” МЧЖ	“NOZIMA QURILISH SIFAT” МЧЖ	“RAVON YOLLAR” МЧЖ	«CHIRCHI Q BUNYOD QURILISH» МЧЖ	«BOBUR BUNYOD TRANS» МЧЖ
			Нархи	Нархи	Нархи	Нархи		
1	Кичиксой МФЙ, Жийда боғ кўчасини жорий таъмирлаш	Объект	332289709	----	349921190	349251822	335000000	-----

Тендер танлов конкурсда Кичиксой МФЙ, Жийда боғ кўчасини жорий таъмирлаш ҳамда объектни фойдаланишга тайёр холда топшириш, таъмирлашда сифатли ва арзон хизмат кўрсатувчи ташкилотни аниқлаш учун комиссия аъзолари тижорат таклифлари бўйича нархларни кўриб чиқиб, “СНІҚСНІҚ BUNYOD QURILISH” МЧЖ корхонаси томонидан кўрсатган нархини арзонлигини аниқлади, шунингдек юқоридагиларни кўриб чиқиб комиссия аъзолари

Қарор қилади:

- Кичиксой МФЙ, Жийда боғ кўчасини жорий таъмирлаш, объектни фойдаланишга тайёр холда топширишда ҳамда сифатли ва арзон хизмат кўрсатувчи тижорат таклифлари бўйича нархи кўриб чиқилиб,
- 2 кунли кмухокамадан сунг “СНІҚСНІҚ BUNYOD QURILISH” МЧЖ бошқа қатнашчиларга нисбатан бажариладиган ишлар арзон нархда бўлганлиги сабабли ғолиб деб топилди. Кичиксой МФЙ, Жийда боғ кўчасини жорий таъмирлаб, объектни фойдаланишга тайёр холда топшириш учун шартнома тузилсин.

Комиссия аъзолари:

- Инфратузилма бўлими бошлиғи:
- Объектларни сақлаш бўлими бошлиғи:
- Бўлим муҳандиси:
- Участка бригадири :
- Участка бригадири:

А.А.Махамедов
Д.С.Тажибаев
С.Д.Дарханов
Д.К.Ахинов
Б.Ж.Бойзоков